



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 23 февраль, № 38 (4448)

Шанба

МДХ: МОСКВА САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 февраль куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Москва шахрида ўтган норасмий саммитида иштирок этди.



МДХ - аёзо мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик борасида қатта таърибга тўплаган тузилма. Ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирининг имкониятларини, шароитини яхши билади, сигналган ҳамкорлар билан ишлаш эса нисбатан осон кечади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсад ва вазифалар уйғунлиги уларни ўзаро янада яқинлаштиради.

қилиш масаласи кўп муҳокама қилинмоқда. Уни бугунги замон талабларига мослаштириш керак. Аёзо мамлакатларнинг ҳамкорлиги аънанавий дўстликка асосланган ҳолда, ишончли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликка ҳам таянмоғи даркор.

Шуларни инобатга олиб, 2006 йил ноябрь ойда Минскда ўтган саммитда МДХ Ижроия қўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланганини Давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 2007 йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида мазкур концепцияни тайёрлаш жараёни кўриб чиқилди. 2007 йилнинг октябрь ойида бўлган Душанбе саммити якунида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада ривожлантириш концепцияси ва уни амалга оширишнинг асо-

сий тадбирлар режаси қабул қилинди. Ушбу режа ижросининг бориши Москвада ўтган норасмий саммитнинг кун тартибидagi асосий масала бўлди. Давлат раҳбарлари кенашнинг мажлисида Ҳамдўстликни янада ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар МДХ ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мажлисда жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп модда-

лар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига, терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастурлар ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Зеро, ҳар қандай шаклдаги интеграция, аввало, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Товарлар ва хизматларнинг, сармоя ва ишчи кучининг ҳаракатини тартибга солиш, назорат этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда бошқаруш ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур.

Музокарада Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш билан бир қаторда, МДХ иқтисодий тараққиёт стратегиясининг лойиҳасига, транспорт соҳасидаги сиёсатни мувофиқлаштиришга, умумий энергетика ва озик-овқат бозорларини шакллантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Маълумки, транспорт соҳасида ўзаро мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш интеграция жараёнларини фаоллаштиришга олиб келади. Чунки бу соҳа халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғини саналади. Шу билан бирга, энергетика ва озик-овқат масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов озик-овқат, транспорт, энергетика ва сув бўйича

Олий Мажлис Сенатида ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтириш давлат ҳокимияти ва бошқаруш тузилмалари фаолиятида муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 22 февраль куни Навоий шахрида бўлиб ўтган сайёр мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навоий вилоятида ижро этилишига оид масала кўриб чиқилди.

Ўтказилган мониторинг замирида фуқаролар йиғинларининг раҳбарлари ва фаолларига ўз ваколатларини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг нормалари талабларига мувофиқ равишда амалга оширишлари яқиндан ёрдам бериш мақсади муҳимдир.

Сайёр мажлисида таъкидланганидек, Навоий вилоятида ҳозирги кунда 337 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг ҳаммаси жой, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган. Фуқаролар йиғинларининг 275 таси балансида бино бор, 45 тасида маҳалла гузари барпо этилган. 2008 йил 1 январга бўлган ҳолатга кўра фуқаролар йиғинларидан 71 таси компьютер билан таъминланган, 239 тасида телефон алоқаси ўрнатилган.

Фуқароларнинг йиғинларида қонун талабларига мувофиқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларининг, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисоботлари тингланмоқда. 2007 йили фуқаролар йиғинларининг қўмитасида вилоят бўйича жами 5334 нафар фуқаро ишга, шу жумладан, 1797 киши сановат корхоналари, 1473 киши кичик корхоналарга ишга жойлаштирилди, 2064 киши касаначилик соҳасида ишламоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳамда қабул қилинган қонунларнинг мазмун ва моҳиятини тушунишни юзасидан аҳоли ўртасида собатдадан иш олиб бормоқда, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЕР МУНОСАБАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Кеча қуйи палатанин Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасида "Ерга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда депутатлар, қатор вазирлик ва идораларнинг вазирлари ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш асослари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш масалалари муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Семинарда таъкидланганидек, ушбу вазифани амалга ошириш давомида ер муносабатларини тартибга солишни мавзуда ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ этиш бўйича аниқ мақсадга йўналиштирилган қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ислохотларнинг натижаси ўлароқ ҳозир мамлакатимизда

М. ИСОМИДИНОВА.

ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ПАРПИЕВ билан мулоқот

— Ботир Раҳматович, маълумки, шу йил 1 январдан бошлаб республикада янги Солиқ кодекси қўлга кирди. Янги Солиқ кодексининг қабул қилинишига қандай аҳтиёж туғилди? Мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий тараққиётида солиқ сиёсатини ислоҳ ва самарали амалга ошириш масаласи доимо диққат марказида бўлиб келган. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида ушбу масалага алоқида аътибор қаратиб, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири эканлигини, 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислохотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб беришнинг таъкидлаган эди.

Маҳкамасида тузилган махсус Ишчи гуруҳи томонидан солиқ тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувлардан, бошқа мамлакатларнинг илгор таърибасидан келиб чиққан ҳолда, янги Солиқ кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу жараёнда халқаро ташкилотларнинг тақлиф-таъсиялари ҳам пухта ўрганилди.

Бундан ташқари, аввалги Кодекс тўғрисида-тўғри амал қилувчи ҳужжат бўлмаганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, солиқ тўлашнинг содда-лаштилган тартибини қўлайлаштирадиган ҳўжалик юритувчи субъектларни солиқ тортишнинг ўзига хос хусусиятларини Солиқ кодекси билан эмас, балки тегишли қарор ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинар эди. Янги ташкил этилган ва ривожланиб келаётган тадбиркорлар синфини давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлгани учун, тадбиркорларнинг объектив аҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлган, улар ривожланишига шарт-шароитлар яратадиган йўналишда тўхтовсиз ишланган қарорлар қабул қилинган эди.

Чиндан ҳам аввалги Солиқ кодекси мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг бугунги босқич талабларига жавоб бера олмаётган эди. Жумладан, Кодексга юздан ортқ ўзгартиришлар киритилиши ҳамда элликдан ортқ қўнуности ҳужжатларнинг қабул қилиниши солиқ тизими мурабаблашувига олиб келди.

Бундан ташқари, аввалги Кодекс тўғрисида-тўғри амал қилувчи ҳужжат бўлмаганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, солиқ тўлашнинг содда-лаштилган тартибини қўлайлаштирадиган ҳўжалик юритувчи субъектларни солиқ тортишнинг ўзига хос хусусиятларини Солиқ кодекси билан эмас, балки тегишли қарор ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинар эди. Янги ташкил этилган ва ривожланиб келаётган тадбиркорлар синфини давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлгани учун, тадбиркорларнинг объектив аҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлган, улар ривожланишига шарт-шароитлар яратадиган йўналишда тўхтовсиз ишланган қарорлар қабул қилинган эди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида "Давлат хизмати ҳуқуқий асосларининг ривожлантирилиши: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Долзарб мавзуга бағишланди

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, хорижий давлатлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Миробоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини таъминлашдаги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга қодир ижро этувчи ҳокимиятнинг самарали тизими ва тузилмалари яратилганини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман

Юртимизда маъмурий ислохотлар ислоҳат ва босқичма-босқич олиб боришмоқда. Хусусан, бу ислохотларнинг муҳим бўғини ҳисобланган давлат хизматини ташкил этиш ва тартибга солишни такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Давлат хизматининг ҳуқуқий асосларини хорижий таърибани ҳисобга олган ҳолда ривожлантириб бериш муҳим устувор йўналишлардан экани кайд этилди.

Анжуманда мазкур соҳада республикаимизда амалга оширилаётган ислохотлар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ишончли замин бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ



2007 йилда республикаимизда мазкур дастур бўйича 270 та лойиҳа амалиётга жорий этилди.

Бу, ўз навбатида, олтмиш турдан зиёд янги маҳсулотни ишлаб чиқариш, сарф-харажатларни сезиларли даражада камайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш, қарийб мингта қўшимча янги иш ўрнини яратиш имконини берди.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Кўшинлар 2011 йилгача қолади

Айни кунда Афғонистонда 2500 нафарга яқин Канада ҳарбийлари хизмат қилмоқда. Мамлакат бош вазири Стивен Харпер 2011 йилда уларни Афғонистондан тўлиқ олиб чиқиш кетишини маълум қилди.

Кема чўкиб кетди

Бразилияда 110 нафар йўловчини Амазонка дарёсидан олиб ўтаётган паром чўкиб кетди. РИА "Новости" хабарига кўра, кема ёқилги олиб кетаётган контейнер билан тўқнашиб кетган.

Уч йилда етти фарзанд

Аргентинанинг Кордоба музофотида гаройиб ҳодиса содир бўлди. Яқинда 17 ёшли қаршилайдиган Памела исми қиз бир эмас, уч эгизакни дунёга келтирди. Қизиги, у 15 ёшида ҳам уч нафар фарзанд кўрганди.

Таржимонларга эҳтиёж катта

Англия ва Уэльс полицияси таржимонларга соатига 2700 фунт стерлинг сарфлар экан. Бу ҳақда "The Daily Telegraph" нашри хабар берди. Мутахассисларнинг билдиришича, 2006-2007 йил давомида Бирлашган Қироллик полицияси жиноятчиликда гунодор ва гувоҳлар билан мулоқоти давомида таржимонларга 24,1 миллион фунт стерлинг тўлаган.

Журнал сотувга қўйилди

Европада ном қозongan "New Scientist" илмий журнали сотувга қўйилди. "Reed Elsevier" медиа гуруҳи берган маълумотга кўра, журнал барча жихозлари, жумладан, босмахонаси билан сотувга қўйилган.

Ойда ҳам гаплашиш мумкин

Яқин келажақда Ойда ҳам уяли алоқа телефони орқали гаплашиш имкони туғилади. Бу ҳақда АҚШнинг NASA космик агентлиги ва Буюк Британиянинг миллий космик маркази вакиллари маълум қилишди.

ТЕЗКОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда дунёнинг ҳар бир нуқтасида Хитой иқтисодиётининг таъсирини сезиш мумкин. Шунинг учун баъзи иқтисодчилар мазкур мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига қизиқиш билан, айримлар эса кўрқув ва ҳадиксираш билан қарамоқда. Бу табиий. Чунки ушбу жараён дунё иқтисодиётининг турли тармоқларига турлича таъсир кўрсатмоқда.

Хитой охириги 30 йил давомида кенг ва тезкор иқтисодий ривожланишга эришиш билан бирга Осиё ва дунё ҳамжамиятига янги глобал иқтисодий ўсиш имкониятларини ҳам яратиб берди. Ҳозирги кунда иқтисодчи олимлар бу мамлакатга жаҳон иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнаётган давлат сифатида қарамоқдалар.

Хитой охириги 1,42 триллион АҚШ долларига етиб, 2006 йилга нисбатан 23,2 фоизга ўсди. Шундай қилиб, Хитой дунё микёсида ташқи маҳсулот айирбошлаш бўйича Америка Қўшма Штатлари ва Германиядан сўнг учинчи ўринга кўтарилди.

Хитой Шарқий Осиёнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида фаол иштирок этиб келмоқда. ASEAN мамлакатларидан импорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг маълум қисмига боғхона тўловларини бекор қилди.

Шарҳ

Хитой Шарқий Осиёнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида фаол иштирок этиб келмоқда. ASEAN мамлакатларидан импорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг маълум қисмига боғхона тўловларини бекор қилди.

ОБОД ШАҲАР, КЎРКАМ ПОЙТАХТ

Бундан 15-16 йил муқаддам Нукусга ташриф буюрган одам ҳозир бу шаҳарни танимай қолса, ажаб эмас. Сабаби, бугун замонавий услубда қад ростлаган кўп қаватли турар жойлар, идора ва муассасалар офислари, озода ва кенг кўчалар унинг кўрқига-кўрк қўшиб турибди.



Бунда 125 киши меҳнат қиладиган Нукус шаҳар ободонлаштириш бошқармаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

туп турли манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздик, — дейди мазкур бошқарма бошлиғи Кенгесбой Бекмуратов.

йил сайин кўпаяётгани ишнинг самарали бўлишини таъминлапти, — дейди мамнуният билан қорхона бош муҳандиси Аширбой Қазоков.

Фахр

Бултур, масалан, ер қазихида ва чиқинди юклашда фойдаланиладиган 2 та «МТЗ-80» тракторини сотиб олдик. Белгиланган ре-



Ҳидоят АҲМЕДОВ.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Германиянинг иқтисодиёт ва технология федерал вазирининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 2008 йилнинг 26 февраль кунини Германия тадбиркорларининг ташрифи ташкил этилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси Германия ва Ўзбекистон тадбиркорларининг иштирокида бизнес-форум ва музокаралар ўтказишни ташкиллаштиради.

Музокараларнинг асосий мавзулари:

- Ёқилги-Энергия Комплекси — нефть ва газ соҳаси, энергетика, кимё соҳаси, энергиянинг муқобил манбалари;
Кўрилиш соҳаси — қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш, коммунал хўжалиги, сув хўжалиги, автомобиль ва темир йўллари қурилиши, транспорт;
Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги молларини қайта ишлаш — чорвачилик, паррандачилик, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, биомаҳсулотлар;
Енгил ва тўқимачилик саноати — тўқимачилик, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш, чармага қайта ишлов бериш, ипак ишлаб чиқариш, тўқимачилик ускуналарини ишлаб чиқариш, тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш;
Банк соҳаси — молиялаштириш, кафолатлаш ва консалтинг.

Музокараларда «Siemens AG», «Daimler AG», «TEXTIMA», «Wirtgen International», «Knauf Srvices GmbH», «Claas KGaA», «Commerzbank AG», «Thyssen Krupp», «MAN Ferrostaal AG» ва бошқа бир қатор йирик Германия компаниялари қатнашади.

Кўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг www.chamber.uz сайтидан ва 150-60-04, 150-60-01 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва қорхоналари раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Кумқўрган тумани, «Мунчоктепа» маҳалласидаги 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти биносини капитал реконструкция қилиш. Иншоотнинг бошланғич нархи — 78,146 млн. сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.

Буюртмачи — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинириг компанияси. Манзил: Термиз шаҳри, А. Бокуменко кўчаси, 5-уй. Телефон: (8-367) 222-49-71, 222-49-80. Факс: 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предмети 20 фоизи миқдорда айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мухтаassisларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — «Уздавархитектурилиш» қўмитасининг Қурилишда танлов савдолари ва нарқларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз ш., Амир Темура к., 69-уй. Тел./факс: (8-367) 222-44-73. Факс: 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А. Бокуменко кўчаси, 5-уй.

«Зенит электроникс» ЕАЖга улгуржи савдога амалга ошириш учун 2006 йил 20 апрелда берилган № УС 001856 рақамли лицензия йўқолишига сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси катта илмий ходим, фалсафа фанлари номзоди Анвар Шариповга онаси ЗУҲРА аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши жамоаси ташкилотнинг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Б. Холіёровага отаси АСАД бобоинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Яқинда Жанубий Кореянинг Енгин шаҳри мэри Жунг Сук Со раҳбарлигидаги делегациянинг Фарғона вилоятига ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига ёрқин мисолдир.

Фикримизни Фарғона вилояти билан Жанубий Кореядаги кўплаб қорхона, корпорация, ишбилармонлар, тадбиркорлар ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётгани ҳам исботлаб турибди. Жумладан, вилоятнинг Жанубий Корея билан ташқи савдо айланимаси йил сайин кўпайиб бормоқда. Жанубий Кореяга асосан ип-газлама, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, юртимизга кимё ва енгил саноат учун зарур бўлган технология қурилмалар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, қора ва рангли металлур келтириляпти.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



Кўнгил хиёбони



О, Муҳаббат!
 Дастлаб ҳеч нарса йўқ эди.
 Ногоҳ, тушларимда сенинг исмингни эшита бошладим. Кимдир жангдор ва янграқ овози билан сенинг исмингни айта бошлади. Ҳар тарафга мўлтираб қарадим. Мен сени билмасдим. Мен сени танимасдим. Мен сени ҳеч қачон, ҳеч қаерда кўрмаган эдим.

Муҳаббат дарси

(Бадиа)

Кунлар бир зайлда ўтаверди... ва ногоҳон энг дилрабо, энг сераваж ва шодиеналарга тўла давраларнинг бирида сени учратдим.
 Сени учратдим олам-олам кувонч бағримга ёпирилиб келди.
 Сени учратдим энг бахтиёр ва меҳридарё шахзодага айландим.

Сени учратдим дунёда мендек фариб ва афтода бошқа биронта инсон йўқлигига иқдор бўлдим.

Сен мени оловга ташлаган эдинг.
Сен мени ўз отагингда куйдираётган эдинг.
Сен дўстлардан сўрай бошладим: севги нима?!
Севги нима? Севги нима?!
Ҳозир ҳам бир пайтлардагидек севаяптиларми?!
Ҳозир ҳам Фарҳод ва Ширинлар борми? Отабек ва Кумушлар ҳозир ҳам борми?!
Сенинг ҳам юрагингда заррача бўлсин, муҳаббат чўғи борми, Зайнаб!
Мени бунчалар абгор қилмоғингга не сабаб?!
Момолардан сўрадим, аёллар ҳам севадиларми?!
Аёллар севса қай даражада севадилар?
Аёллар муҳаббатига тимсол борми?!
Аёллар садоқатига тимсол борми?!
Аёлларнинг буюклиги нимада?!

Аёлнинг буюклиги ... у ҳам сева олишида!

Аёл севса олов бўлиб севади. Аёл севса оташ бўлиб севади. Аёл муҳаббати оламни безайди. Аёл муҳаббати оламни гўлга тўлдиради.

Аёл муҳаббати борлиги учун ҳам ҳамма яшайди. Ҳамма бахтиёр бўлади. Аммо...

Муҳаббат оловида сэнганлар юрагида мангу жангловчи кўнғироқ садолари бир саволни қайта-қайта тасдиқлаётган:


У менинг юрагимнинг ардоғида,
У менинг кўзларимнинг қароғида,
У менинг жонимнинг титроғида.
Мен уни севаман!
У ҳам мени севадими?!

Муҳаммад ИСМОИЛ.

Ҳикмат

Ўз фойдасидан кўра бошқалар манфаатини кўзлаган кишининг истеъдоди барқ уриб яшмайди.

Низомий ГАНЖАВИЙ



Навоийхонлик

Ҳазратнинг илоҳий оҳангларидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, дастлабки байт мазмунининг ушбу иккинчи талқинида яна ҳам теранлашувини, туйғуланишнинг тагин-да кучаювини кузатиш мумкин.

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади, Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади.

Фикримизча, лирик қаҳрамонимиз кун бўйи чекилган риёзатлар туфайли дилда йиғилган гашликлардан азит чекиб, КўНГИЛ деган саждагоҳга Яратган ёдининг ташриф буюришини орзу қилган. Бирок тоатнинг номукамаллиги оқибатида бу муборак висол ошиққа насиб бўлмади қолган ва бутун оқшомни васли насиб бўлмаган ёр хаёли билан ўтказган.

Бизнинг бу фикримизда эйдик дият бордек. Бирок ёд этишда ҳам ёд этиш бор. Ошиқнинг ғазал муқаддимасидегидек ёр хаёли билан яшашининг ўзиёқ, бир қарашда, ёр ёдининг кўнгили уйига ташриф буюриши эмасми, деган савол туғилиши мумкин.

Бирок, ошиқ Ериш шундай ёд этмакчи истайдики, бундай йўқлов дийдор билан деярли баравар бўлсин. Ана шундай илоҳий туйғу дийдоридан бенаиблик уни изтиробга солиққа, ошиқ бу худудини биз билан баҳам кўрайтир.

Иккинчи байтда бу айрилиқнинг нақадар давомий эканлиги айтилмоқда:

Лаҳза-лаҳза чиқтиму, чектим йўлда интизор, Келди жон отғимгаву, ул шўхи бадхў келмади.
 "Лаҳза-лаҳза чиқмоқ" бу

Жавоҳир ёдуси

(Иккинчи талқин)

ҳолда шунчаки ёр йўлига тез-тез кўз тўтиб турмоқ эмас, балки ҳар кун мунтазам қилинадиган ибодатдир. "Оғзига жон келгунча", "лаҳза-лаҳза йўлга чиқмоқ" бу бир умр Яратган хаёли билан яшамоқ мазмунидадир. Ўзи кўнгили кўйган зотни "шўхи бадхў", деб аташ бу уни яхши сўзлардан ҳам афзал ибора билан ардоқлаш, юракка ниҳоятда яқин тутиш демакдир.

Оразидак ойдин эрқонда гар этти эҳтиёт, Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёрғу. Бу қоронғулик ва ёрғулик Ҳаққа муҳтож бўлган одамнинг умидворлиги гоҳ кучайиб, гоҳ заифлашиб турганлигига ишора.

Навбатдаги байт Илоҳий илҳақлиқнинг ҳаммада ҳам баравар бўлмаслигидан таассуф билдиришга бағишланган:

Ул париваш ҳажридин-ким йиғладим девонавор, Кимса бормукин, анга кўрганда кулгу келмади.
 Ибодат пайтида одам йиғласа, унинг амали бузилмайди, аксинча бу — юракни пок-лантирувчи тоатнинг астойдил-лигидан нишона. Бирок ибодат қилаётган одам, худо кўрсатмасин, қулса амали бу-

зилади. Бу байтда қудратли бир даъват бор. Шоирнинг лирик қаҳрамони гўё "Менки, шунча риёзатлар билан кўз ёшлар тўкиб, Ҳақнинг дийдорига етишмакка ишончим қомил эмас, оломон ибодат пайтида мендан куладиган даражада ибодати нуқсонли", деганда, дард чекмаган кишиларни ҳамдардликка чакирмоқда.

Шоир бизга руҳий дунёсини кўрсатиб бераётган ошиқнинг муҳаббати шу қадар буюк ва уқбатлики, ўзини кўз ёш қилиб тўқди. Мана бу байтга диққат қилинг:

Кўзларингдан неча сув келгай деб ўлтурманг мени, Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Маълумки, Шарқ фалсафасида "Аносурул-арбаа" деган тушуна бор. Бу тўрт унсур дегани. Қадимги тавлимотта кўра, инсоннинг вужуди тўрт унсурдан, яъни тупроқдан, сувдан, ўтдан ва ҳаводан ташкил топган. Ер қуррагининг кўнчилик қисми сувдан иборат бўлганлиги каби, одам жисмининг асосий қисмини ҳам сув ташкил этади. Шеръда ўз дардини изхор этаётган ошиқ шу қадар кўп йиғлагани, унинг вужудида кўз ёш бўлиб чиққудек сув

бир-бирини тушунмаслик, дардларига шерик бўлмаслик оқибатида адои тамом қилдилар.

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким, кўйди қадам, йўлғаким аввал қадам маъшуқи ўтру келмади.

Одамлар ошиқнинг қадрини билмайдилар. Уларнинг ичиде ТОЛИБИ СОДИҚ, яъни вафодар кишини қадроловчи йўқ. ТОЛИБИ СОДИҚЛАР ЎЗ ДАРДИ ТУФАЙЛИГИНА ЭМАС, БАЛКИ БОШҚАЛАРИНИ БЕДАРДЛИГИ ОҚИБАТИДА ҲАМ АЗОБ ЧЕКАДИЛАР. Шоир фикрича, дардининг-ку, дармони бор, бедардликни эса даволаб бўлмайди. Шоир бефарқларга бефарқ қарай олмайди, чунки у ўз ғазалларидан берида ёзганидек, фалак кимга нифоқ тигини урмасин, бу тиг гўё янглишиб, аввал шоирга ёки у тавсифлаётган ошиққа тегиб бўлган мўлжалга етади. Шоир оломоннинг бедардликда ўз айбини ҳам кўргандек бўлади. Чунки у ўз вазифасини Яратган ошиқ бўлишдагина эмас, балки бошқаларни ҳам ошиқ қилишда, деб билади.

Эй, Навоий, бода бирлан хуррам эт кўнглинг уйин.

Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

Кўнгли уйи ҳам, шоир фикрича, муборак бир саждагоҳдир. Илоҳий шеърятда бода ичиб маст бўлмоқ Яратган хаёли билан яшамоқчи билдиради. Бода кирган уйга қайғу келмаслиги поклаган кўнглига кулфатнинг йўлмаслигиндир.

Кўриб турганимиздек, "Кеча келгумдир дебон" ғазали эътиқод ҳақиқати мўътабар қўшиқдир. Бу қўшиқдаги илоҳийлик ва инсонийлик оҳангларини биз бир тажриба тариқасида алоҳида алоҳида олиб таҳлил қилдик. Аслида бу оҳанглар, аввал таъкидлаганимиздек, бир-бирининг инқори эмас, балки тақозо қиладиган жиҳатлардир. Бу икки фазилат шеърят сўлини тождоғи бир жуфт жавоҳир. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ғазалларини мўлола қилаётганда бу икки муҳим жиҳатни бир-бирдан атаб-лаб ажраттишга ҳаракат қилмай, мутаносиб ҳолда идрок этган маъқул.

Матназар АБДУЛҲАКИМ,
 Хоразм Матхун академияси илмий ходими.

Ривоят
 Ривоят қилувчилар-ким, ёш, хушбичим бир йилгит бор эди. Унинг барболлиги, навқиронлигига тил оқиб эди. Аммо ёшлигини ялму мазрифтага, савоиб ишларга эмас, фақат ўйин-қулай, кайфу сафода сарф этарди.

Вақт қарғи

Унинг бир дошманд қўшиеси бўлиб, йилгитга ҳар кун нахсат қилар, ёшликни бебошлик билан ўтказмасликка чақирарди. Аммо йилгит унинг сўзларига заррача қўлоқ олмади, "Ақир бу айни ўйнаб-қуладиган пайтими, бошқа ш-ларга кайишроқ ҳам вақт то-паман", дея яна бемаъни иш-ларга шўнғиб кетарди.

Вақт ўтаверди. Йилгит қариб, куч-қувватдан қолди. Кўздан нур келди. На илм о-моққа, на ҳунар ўрганоққа, на бирор савоб иш қилмоққа ҳоли қолди. Чунки у бутун куч-гайратни, умрини беҳуда сарф-лаб бўлганди. Охири ўша оқил қўши яна унинг хузурига ке-лди. Қўрсакчи, қаршисига бир пайтдоғидек хушсуврат йилгит эмас, нурсиз бир қария ўти-рарди.

"Нега вақтида менинг на-сихатларимга қўлоқ тутма-динг?" деганди, "Мен бундай бўлишни қаердан билай? Ёл-ғамда ёшлигимни увол қил-масдим, тажрибасизлик қил-дим", дея фарғиб келди.

"Отанг неча ёшга кирган эди?" "Юздан ошган эдилар." "У ҳам қариб, сенинг аҳолин-га тушунмайдими?" "Худди мендек қариб муқиллаб қо-лганми." "Эй, нодон, сенга бу-дан ортқ яна қандай тажри-ба керак? Наҳот отангинг аҳо-лини кўриб, ибрат олма-динг? Умринг, ёшлиқнинг ғанимат эканини англама-динг? Афсус..."

Уч дўгона — уч моҳирўй



Руслом ШАҒАЕВ (ўса) олган сурат.

Шоҳ сафлар

3 ахириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти бани башарга ибрат намунаси. У соҳибқирон Амир Темур салтанатини тиклолмаган бўлса-да, аммо янги, Бобурийлар салтанатига тамал тошини қўя олди. "Бобурнома" асари билан буюк илмий ва адабий ёдгорлик яратди. Ўзига хос оҳангдор шеърят ила мумтоз адабиётимизни юксалтирди.

Жамолинг васфини, эй ой...

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгайман, Не кун бўлғай висолингга мени дилхаста этгайман!

Тараҳхум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен, Хуш улким, оразингни кўрмаген, сўзунг эшитгайман!

Итингдурмен, сочинг занжирин буйнумга маҳкам қил, Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки, йитгаймен.

Тараҳхум қилмасанг ё боқмай истигно била ўтсанг, Тазарруъ қилмасанг ё йиғлагаймен — ўзга нетгаймен?!

Муяссар бўлмасанг бошимни қўймоқлик аёғига, Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ этганча кетгаймен!

Билиб қўйган яхши

Табиатнинг ўзи табиб

томатдан қўшиб истеъмол қилинса, касалликка чалиниш 30 фоизга камазлади.

Ўпка рақининг олдини олиш учун сабзи ва наъматақдан кўпроқ истеъмол қилиш керак. Булардаги антокисандин моддаси бу амалда қўл келади.

Сабзи ва шолғом уруғидан бир микдорда олиб, битта турлнинг ичини ковак қилиб, ўша уруғлар солиниб, озғини беркийтиб, паст оловга қўйиб, маромига етгунча пишириб, кейин уруғлар олиб ейилса, буйрак ва қонқудга тошларнинг майдаланишига, тушишига эм бўлади.

М. МИРЗАШАРИПОВ, дорихунос.



Ҳайрат

Абдуқодир ака онгли ҳаётини юртимиз табиатини тадқиқ этишга, уни асрашга бағишлаган. У киши билан ҳар гал учрашганда қалбим кувончга тўлади. Сал кўришмасак бир-биримизни соғиниб қоламиз. Тунов кунни яна дийдорлашдик. Абдуқодир ака мамлакатимизга Япониядан келган бир гуруҳ меҳмонлар билан уч-тўрт кун бирга бўлибди.

Келинг, бу ҳақда у кишининг ўзидан эшитайлик.

Қатра

Ўзбекистонга эзгу ният билан келган япониялик меҳмонларни, табиийки, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида олиб боришни режалаштирдик. Юртимиздаги тарихий обидалар, уларга бўлган эътиборни эър ҳақсала билан томоша қилган кўнчиқар мамлакат вакиллари бутун сафар давомида Ўзбекистондаги ҳар бир манзарага айрича ҳайрат ва қизиқиш билан қарашарди.

Самарқанддан Бухоро томон йўлда давом этаётганимизда меҳмонлардан бири кўкқисдан ҳайдовчининг елкасини туртиб, тўхташ ишорасини қилди.

Машина тўхтагандан сўнг меҳмонлар пастга тушиб, уфқларга туташиб кетган кенгликларга, қип-қизил лопазорларга ҳайрат билан қараб туришарди.

— Эҳ, қойил, бу гўзаллик нақадар табиий, — деб хитоб қилди ёши улғу меҳмон. — Шундай бепоён дашту далалари бор ватаннинг эртаси ҳаммиса

ёруғ. Сизлар чинакам бахтиёрсизлар. Ажабо, биз — юртимиз табиатини бир умр ўрганиб юрган одам хориқдан келган меҳмонлар эътибор қилган ушбу гўзаллиги манзараларга бефарқ бўлган эканмиз.

Меҳмонларни Тошкентдаги қабристонга олиб борганимизда анча таъсирланишди. Иккинчи жаҳон уруши даврида дафн этилган японлар қабрларини ҳам ўзбеклар эътибор билан озода, саранжом-сарийша сақлаётганларидан астойдил миннатдор бўлишди.

Энг қизиқ гап хайрлашув олдидан бўлди. Меҳмонлардан ижозат сўраб хайрлашув дастурхонини ўзимиз тўзайдиган бўлдик. Миллий таомлар тортилган дастурхонга икки донна вини қўйдик. Ушбу ичимлик идишига мазкур

Кўзлариде чин меҳр порлаб турган меҳмонлар уч кун ичиде Ватанини севиш борасида бизга ҳам ибратли сабоқ берганларини хайлларига ҳам келтиришмасдик.

Шухрат ЖАББОРОВ.

вино Ўзбекистонда тайёрлангани ва унинг номи «Ветка Сакуры» («Сакура бутоғи») деб аталиши япон ёзуви услубида битилган эди. Ёрликдаги қуёш нури ёриптиб турган муқаддас Фудзияма тоғи ва Сакура гули тасвирлари меҳмонларнинг хайратини ошириб юборди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган вино япон шеърятининг ёрқин рамзи билан аталса-я!

Табиатан ичимликка мойил бўлган меҳмонлар иккала идишни ҳам бир олам завқ билан бўшаттиди. — Илтимос, бўшаган шишалардан бирини олиб кетишга рухсат беринг, — сўради гуруҳ раҳбари. — Ўзбекистонда Японияга шунчалик хурмат, эътибор қилинаётганини ҳаморларимизга шу мисол воситасида гапирмоқчиман.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Газетхоналар билан алоқа ва минақалар бўлими 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Вегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа экциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — А. Орпнов.
 Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошев.
 Навбатчи — С. Раҳмонов.
 Мусаҳҳах — Ҳ. Топшўжаев.

Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6 7